

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИСУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш соҳасида
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ВА НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУВ ХўЖАЛИГИ
ОБЪЕКТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатимизда сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув хўжалигини модернизация қилиш ва ривожлантириш, сув ресурсларини бошқариш, сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сув ресурсларини бошқариш ва улардан оқилона фойдаланиш, сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш, давлат экспертизасидан ўтказиш, қуриш ва реконструкция қилиш, айниқса, сув омборлари ва бошқа йирик сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлашда жиддий камчилик ва муаммолар сақланиб қолмоқда.

Сув хўжалиги объектларининг аксарият қисми 30-40 йилдан ортиқ хизмат қилаётганлиги ҳамда уларни лойиҳалашга малакали хорижий экспертларни жалб қилиш, илгор хорижий тажрибани жорий этиш каби масалаларга етарли эътибор қаратилмаётганлиги сабабли кейинги йилларда айрим сув хўжалиги объектларида техноген вазиятлар ва авариявий ҳолатлар кузатишмоқда.

Сув хўжалигини бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш, сувининг ҳисоби ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш, сув хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини ошириш ҳамда самарали назорат тизимини ўрнатиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йил-

ларга мўлжалланган концепцияси тасдиқланганлиги ҳамда Концепциянинг устувор йўналишлари белгилаб берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Сув хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин: сув ресурсларини бошқариш, сувларнинг ҳисоби, ҳисоботи ва балансини шакллантириш соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, сувларнинг зарарли таъсири олдини олиш ва бартараф этиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш; республика аҳолиси, иқтисодиёт тармоқлари ва атроф-муҳитнинг сувга бўлган муттасил охиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитларни яратиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

сув хўжалиги объектларини модернизациялаш, ривожлантириш ва қурилиш ишларини сифатли ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, хавфсизлик даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини лойиҳалаш ва экспертиза қилиш ишларига малакали хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш; ҳар бир лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини ҳамда сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини аниқ кўрсаткич ва мезонлар асосида чуқур таҳлил қилиш орқали унинг устуворлигини белгилаш ва амалга ошириш;

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИКИНО САНЪАТИ ВА САНОАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА
ОЛИБ ЧИҚИШ, СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
Қўллаб-қувватлаш тизимини янада
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида

Миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилган ислохотларни тизимли давом эттириш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, юртимизда жаҳон тажрибаси асосида кино ишлаб чиқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, замонавий киносаноат инфратузилмасини яратиш ва кинопрокат тизимини ривожлантириш мақсадида:

1. Қуйидагилар миллий кинематографияни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

кино санъатини жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида, жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда стратегик манба сифатида шакллантириш; кино санъатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, шунингдек, хорижий кинокомпанияларни мамлакатга жалб қилиш ва ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқаришини ривожлантириш;

кино санъатини иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожлантириш, замонавий ва юқори технологик моддий-техник базага эга инфратузилмани яратиш; кинематография соҳасида кадрлар тайёрлаш, кино ижодкорлари ва техник ходимлари малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш;

миллий сериаллар ишлаб чиқаришни давлат томонидан рағбатлантириш, анимацион фильмлар ишлаб чиқаришга ёш мультипликатор ва аниматорларни кенг жалб қилиш;

соҳада муаллифлик ҳуқуқининг кафолатли ҳимоя қилинишни таъминлаш, кинопрокат тизимини ривожлантириш ва миллий фильмларни жаҳон кино бозорларига олиб чиқиш.

2. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) этиб қайта номлансин.

3. Агентлик, кино санъати ва саноати вакилларининг қуйидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

“Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалини таъсис этиш ва уни 2021 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиб бориш;

кино санъати ва саноати вакилларининг муаллифлик ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган Ўзбекистон кино санъати вакиллари уюшмаси нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларининг кинематография йўналишида таълим олаётган талабаларини қўллаб-қувватлаш учун Худойберган Девоннов номлидаги давлат стипендиясини таъсис этиш;

“Олтин Хумо” миллий кино мукофоти тақдимотини ҳар йили анъанавий равишда ўтказиб бориш; миллий кинематография соҳасида самарали фаолият кўрсатаётган ижодкорлар ва мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида “Кинематография фидокори” кўкрак нишонини таъсис этиш.

4. Агентлик ва Ўзбекистон кино санъати вакиллари уюшмаси муассислигида Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш ва 1-иловага мувофиқ унинг васийлик кенгаши таркибини шакллантириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХўЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6200-сон фармони ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг тузилмаси ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хузуридаги магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари хузуридаги ирригация тизими бошқармалари аппаратининг намунавий тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони 6 ва 6а-иловаларга мувофиқ;

▶ Давоми 2-бетда

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

СўХ: БУГУНГИ ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

Фарғонанинг тоғли тумани — Сўхга борганмисиз? Сўх тумани дунёдаги энг йирик анклав ҳудудлардан бири. Бу ерда деҳқончилик, чорвачилик яхши ривожланган. Лекин тумандаги қишлоқлар инфратузилмаси замондан анча ортда қолган, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари маънан эскирган, одамлар яшаши учун оддий шароитлар ҳам йўқ эди.

Президентимизнинг қатъий иродаси билан бошланган халқчил ислохотлар эпкинни Сўхга ҳам етиб борди. Бугун бу ердаги манзара буткул ўзгарган. Янгилашилган эса давом этмоқда.

Сўх замини замонавий қиёфа касб этиб, кунма-кун ободликка эврилиб

боряпти. Бунда Президентимизнинг “2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзгаришлар шуқуҳи қишлоқларда

инфратузилма яхшиланиши, ижтимоий-маданий объектлар, уй-йойлар, корхоналар қурилиши тимсолида сезилаёттир.

Бундан тўрт йил олдин ўз уйи бўлишни орзу қилган, лекин имконияти бўлмаган оилалар Сўхда ҳам кўпчиликини ташкил қилган. Бугун уларнинг ушалмасдек туюлган шу орзуси рўёбга чиқди. Ўтган қисқа вақт ичида юзлаб оилалар янги уйли бўлди, ҳаётига мазмун инди.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИКИНОМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОҲА
ВАКИЛЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ УЧУН МУНОСИБ
ШАРОИТ ЯРАТИШ Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги “Кино санъати ва санъатини янги бошқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6202-сон фармонида мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) хузурида:

а) қуйидагилар ташкил этилсин:

Ўзбекистон Кинематография академияси олий таълим муассасаси;

“Республика кинофонди” ДУК негизда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган “Ўзбекистон миллий кинофонди” давлат муассасаси;

“Ўзбекфильм” ДУК негизда хусусий кинокомпанияларга фильм, мультфильм ва сериаллар яратиш бўйича хизмат кўрсатувчи “Ўзбекфильм” киноконцерни” ДУК; Агентлигининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари;

б) қуйидагилар тугатилсин:

“Мультипликацион фильмлар студияси” ДУК;

“Республика кинопрокат маркази” ДУК ва унинг ҳудудий филиаллари;

“Кинематографчилар уйи” ДУК;

“Киноиндустрия соҳаси ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази” ДУК; в) “Ёшлар ижодий тажриба студияси” ДУК “Ёшлик” киностудияси” ДУК этиб қайта номлансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлигининг “Қорақалпоқкино” агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмалари 3-иловага мувофиқ;

“Ўзбекистон миллий кинофонди” давлат муассасасининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

2021-2022 йилларда миллий кинематография соҳасини ривожлантириш “йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

▶ Давоми 3-бетда

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 685 ЙИЛЛИГИГА



ТЕМУРИЙЛАР РЕНЕССАНСИГА
ЯНГИ ЧИЗГИЛАР

Акmal САИДОВ,
академик

Шу кунларда нафақат Ўзбекистон, балки жаҳонда инсоният тарихини ўзгартира олган, Шарқнинг Иккинчи Ренессансини бошлаб берган буюк давлат арбоби ва ислохотчи, улкан саркарда, даҳо бобомиз Амир Темур таваллудининг 685 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Амир Темур марказлашган давлатга асос солиб, унинг куч-қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлаб ва ривожлантириб, шон-шухратини бутун жаҳонга ёйди, буюк салтанат ҳукмдори сифатида миллатлар ва халқларни бирлаштирди. Унинг даврида иқтисодиёт ва савдо, маданият ва илм-фан, меъморлик ва тасвирий санъат, мусиқа ва шеърят юқори чўққиларга кўтарилди. Бир сўз билан айтганда, Темурийлар даври Ренессансига асос солинди.

▶ Давоми 6-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН Фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланғич 1-бетда

сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини экспертиза қилиш ҳамда амалга ошириш ишларини илмий-техник таъминлаш;

сув омборлари, сел-сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш чораларини қуриш;

сув хўжалиги соҳасида ресурс тежайдиган технологиялар, замонавий қурилиш материаллари, илғор хорижий тажрибани кенг қўллаш;

сув хўжалиги объектларини бошқариш, сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш ҳамда тегишли маълумотлар базасини шакллантиришда рақамли технологияларни жорий қилиш;

сув ресурсларининг ҳисоби ва электр энергияси истеъмоли бўйича шаффофликни таъминлаш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш;

сув хўжалигида бозор иқтисодиёти тамойиллари, давлат-хусусий шериклик механизмлари ва аутсорсингни жорий қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги мутахассислар малякисини оширишни тизимли ташкил этиш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни кучайтириш, фан ва техника ютуқларини амалиётга жорий этишни тизимли ташкил қилиш;

трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларни ривожлантириш, хорижий

инвестициялар ва техник қўмак маблағларини жалб қилиш, шунингдек, сув хўжалиги соҳасидаги халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиш.

3. Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг **сув хўжалиги вазирлигининг:**

сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ўринбосари;

давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси лавозимларини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикасида барча сув ресурсларини ҳисобга олиш ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тадбирларни мувофиқлаштириш, шунингдек, **сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин.**

5. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси** (кейинги ўринларда — Инспекция) этиб қайта ташкил этилсин.

6. Белгилансинки, Инспекция Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини

ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекциясининг **ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.**

7. Белгилансинки:

а) Қуйидагилар **Инспекциянинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** ҳисобланади:

сув омборлари, сел-сув омборлари ва хавф даражаси юқори бўлган бошқа сув хўжалиги объектларининг (кейинги ўринларда — хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектлари) хавфсизлигини, ишончли ишлашини ҳамда қўриқлашини назорат қилиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини жойлаштириш ва лойиҳалаш бўйича топшириқларни ҳамда улардан фойдаланиш бўйича қоидаларни келиштириш, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш, уларни фойдаланишга қабул қилиш, консервациялаш ва тутатиш ишларида иштирок этиш ҳамда тегишли хулосалар бериш;

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлик даражасини аниқлаш ишларида замонавий технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий қилиш;

фавқулодда вазиятларда хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг аҳолига ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

б) **Инспекцияга:**

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги

объектларидан фойдаланишда хавфсизлик бўйича кўрсаткичлар ва мезонларга амал қилинмаган ҳолларда **сув тўплашни чеклаш ёки тўхташиб қўйиш;**

хавф даражаси юқори бўлган сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадига тегишли вазирлик ва идоралар, лойиҳа ташкилотлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг **юқори малакали мутахассисларини эксперт сифатида жалб қилиш ҳуқуқи берилади.**

8. **“Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни** лойиҳасини замонавий талаблар ва ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш бўйича **ишчи гуруҳи таркиби ва “Йўл харитаси” 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.**

9. Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг:

Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи негизда Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалигида хорижий инвестиция**

лоийҳаларини амалга ошириш марказини;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигини** ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

10. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармон талабларидан келиб чиқиб:

бир ҳафта мuddатда Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги;

икки ҳафта мuddатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини ҳар қандай муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

йирик гидротехника иншоотларининг, энг аввало, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда, қурилишда ва эксплуатация ишлари олиб борилишида хавфсизлик чоралари қўрилиши юзасидан буюртмачи, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари ҳамда сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи ташкилотларнинг жавобгарлигини ошириш вазифаларини белгилаш;

юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини маслаҳатчи сифатида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви ва назорат тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6200-сон фармони билан жорий қилинган **сув хўжалиги вазирлигининг:**

а) **сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ўринбосари қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:**

сувни тежайдиган технологияларни ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, ихтисослашуви ҳамда сув ва бошқа зарур ресурслар билан таъминланганлигидан келиб чиқиб жорий этишни ташкил қилиш;

сувни тежайдиган технологиялар жорий қилинган майдонларнинг ҳисобини юритиш ҳамда давлат субсидияларини ажратиш механизмининг автоматлаштириш;

сувни тежайдиган технологияларни қўллаш борасида илмий ва илмий-техник фаолиятни ривожлантириш, сув хўжалиги ташкилотлари билан таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасидаги интеграцияни таъминлаш;

б) **давлат-хусусий шериклик ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси қуйидагилар учун шахсан жавобгардир:**

сув хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш ва аутсорсинг механизмларини жорий этишни ривожлантириш;

сув хўжалиги объектлари бошқарувини рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш;

сув хўжалиги объектларида сувнинг ҳисоби ва электр энергияси истеъмолини рақамли технологиялар асосида назорат қилиш орқали сувдан фойдаланиш шаффофлигини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш;

ер усти сувларидан фойдаланиш бўйича давлат сув кадастрини юритишни замонавий технологиялар ёрдамида такомиллаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигининг** (кейинги ўринларда — Агентлик) **тузилмаси 11-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар **Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

сув хўжалигида капитал қурилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган устувор инвестиция лойиҳаларини ошқоралик асосида танлаш, уларнинг йиллик, қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш;

сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқлаш;

сув хўжалиги объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқиши, экспертизадан ўтказилиши ва бош пудрат ташкилотларини танлов (тендер) асосида аниқлашни ҳамда тегишли шартномалар расмийлаштиришни ташкил қилиш;

сув омборлари ва бошқа тоифаланган сув хўжалиги объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертиза қилиш, шунингдек, уларнинг хавфсизлик мезонларини ишлаб чиқишга хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан тизимли мониторинг юритиш, шунингдек, буюртмачи ва пудрат ташкилотлари томонидан шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни бар-тарafd этиш чораларини қўриш.

5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Сув хўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш марказининг** (кейинги ўринларда — Марказ) **тузилмаси 12-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар **Марказнинг асосий вази-**

фалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган хорижий инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг (кейинги ўринларда — ХМИ ва ХХМТ) маблағлари иштирокидаги устувор инвестиция лойиҳаларини ошқоралик асосида танлаш, уларнинг қисқа ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ва шакллантириш;

сув хўжалиги соҳасидаги хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ХМИ ва ХХМТ маблағларини жалб қилиш;

ХМИ ва ХХМТ маблағлари иштирокидаги хорижий инвестиция лойиҳалари манзилли рўйхатлари белгиланган тартибда тасдиқла-нишини ташкил қилиш;

сув хўжалиги соҳасидаги хорижий, шу жумладан, ХМИ ва ХХМТ иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тендер савдолари асосида бош пудрат ташкилотларини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда тегишли шартномаларини расмий-лаштириш;

лоийҳалар ва сублоийҳалар амалга оширилишининг тизимли мониторингини олиб бориш, шунингдек, буюртмачи ва пудратчи ташкилотлар томонидан шахарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этилишини таъминлаш.

6. Белгилансинки:

Агентлик фаолияти Давлат бюджетли маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига мо-лиялаштирилади;

Агентлик Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй манзилидаги “А” бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилади;

Марказ Жаҳон банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи, Осиё тараққиёт банки лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳлари лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳининг шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Марказга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда сув хўжа-лиги вазирлигини тақддимномаси бўйича Вазир-лар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайин-

ланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган директор раҳбарлик қилади;

Марказ директори мақоми тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ фаолияти Давлат бюджети маблағлари, ХМИ ва ХХМТ маблағлари, Марказ буюртмачи бўлган лойиҳалар доирасида амалга ошириладиган қурилиш ишларидан ажратмалар ҳамда қонун ҳужжат-ларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисоб-ига молиялаштирилади;

Марказга Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчаси, 1а-уй манзилидаги “А” блокнинг 2 ва 3-қаватлари текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг (Ш.Р.Хамраев) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) тегишли халқаро молия институтлари билан келишилган ҳолда сув хўжалигида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида **уч ой мuddатда:**

Агентликнинг объектларда техник назоратни амалга оширувчи мутахассислари меҳрат меъёрини белгилаш бўйича нормативлар тасдиқлашини;

Марказ томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг қарз (кредит) келишувлари мuddатлари узайтирилишини;

Марказ ходимларининг ойлик иш ҳақи икки баробарга оширилишини таъминласин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.А.Пекосъ) Агентлик ҳамда Марказнинг буюртманомаларига мувофиқ уларни белги-ланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқа воситалари билан ҳамда юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланишини таъминласин.

9. **Сув хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича “Йўл харитаси” 13-иловага** мувофиқ тасдиқ-лансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига “Йўл харитаси”да назарда тутилган тад-бирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарили-ши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р.Хамраев) **бир ой мuddатда:**

Сув хўжалиги вазирлиги марказий аппара-ти ва унинг ҳудудий бўлинулларини, шунинг-дек, Агентлик ва Марказни зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга, юклатилган вазифаларни профессионал даражада амал-га ошириш қобилиятига эга бўлган юқори ма-лакали кадрлар билан тўлдирсин;

Сув хўжалиги вазирлиги, унинг ҳудудий бўлинуллари ва улар раҳбарлари фаоли-ятини баҳолашнинг аниқ кўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларга эришишга асос-ланган мутлақо янги тизимини жорий этиш, яқин, ўрта ва узоқ мuddатли истиқболга мўл-жалланган соҳани стратегик ривожлантириш дастурларини амалга ошириш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш чора-тадбир-ларини кўрсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси **икки ой мuddатда:**

Сув хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги ни-зомни;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлиги тўғрисидаги низоми;

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хў-жалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази тўғрисидаги низоми-ни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги “Сув ресурслари бошқариш тизимини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4486-сон қарорига 14-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 15-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қў-шимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вази-рининг ўринбосари Ш.М.Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

КИНО САНЪАТИ ВА САНОАТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ, СОҲАНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Белгилаб қўйилсинки: васийлик кенгаши Марказ фаолиятига амалий ёрдам кўрсатади ҳамда Марказ маблағлари ҳисобига фильмларни молиялаштириш шартли ва тартибини белгилайди; миллий фильмларнинг халқаро кинофестиваллар ва жаҳоннинг нуфузли кинобозорларида иштироки Агентлик буюртмасига асосан Марказ томонидан ташкиллаштирилади; Марказ ўз фаолияти, жумладан, ҳар бир молиялаштириладиган фильм, молиялаштириш ҳажми ва шартлари тўғрисида жамоатчиликни мунтазам равишда хабардор қилиб боради.

5. Куйдагилар **Марказнинг асосий вазифалари** этиб белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин:

миллий фильм ва сериаллар ишлаб чиқариши ҳамда ҳамкорликда киномаҳсулотлар яратиши молиявий қўллаб-қувватлаш;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмлар прокатини бозор тамойиллари асосида ташкил этиш;

маҳаллий ва хорижий инвесторларни миллий фильмларни ишлаб чиқариш, прокатга бериш ва намойиш этишни молиялаштиришга жалб қилиш;

миллий фильмларни хорижий тилларга ҳамда жаҳоннинг энг сара кино асарларини давлат тилига **субтитрлаштириш ва дубляж қилишни молиялаштириш;**

миллий кино санъати асарларининг **халқаро кинофестивалларда иштирок этишини таъминлаш** ҳамда маҳаллий ва халқаро кинотадбирларни ташкиллаштириш;

Ўзбекистон киноарбоблари ижодий уюшмаси ҳамда фаолият йўналиши кино санъати ва саноати вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлган **нодавлат нотижорат ташкилотларини грант ва ижтимоий буюртмалар орқали қўллаб-қувватлаш.**

6. **Агентлик буюртмаси асосида фильмлар ишлаб чиқариш** бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқарилиши белгиланган фильмлар **давлат буюртмаси ҳисобланади;**

фильмлар ишлаб чиқариш учун давлат бюджетидан Агентликка ажратилган маблағларнинг **50 фоизидан орტიқ бўлмаган қисми давлат буюртмаси асосида**, қолган қисми инвестиция маблағларини жалб этиш шартли билан фильмлар ишлаб чиқариш учун йўналтирилади;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильм сценарийи муаллифи (муаллифлар жамоаси) ва сценарийга мувофиқ фильмни тасвирга олувчи кинокомпания **алоҳида танлов ўтказиш орқали аниқланади;**

ҳар бир фильм учун Агентлик Бадий кенгаши томонидан шакллантириладиган фильмнинг бадий-говий мазмунини кўриб чиқувчи зарур малака ва билимга эга беш нафар шахсдан **ортиқ бўлмаган таркибда алоҳида маслаҳатчилар гуруҳи ташкил этилади** ҳамда уларнинг ойллик иш ҳақи фильм харажатлар сметасида назарда тутилади;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган **фильм харажатлар сметаси** Агентлик томонидан белгиланган талабларга мос келувчи **аудиторлик ташкилотининг экспертизасидан ўтказилади;**

фильм молиявий-иқтисодий харажатларнинг асослигига аудиторлик ташкилотларнинг хулосаси асосида Агентлик ҳузурида фаолият юритувчи Экспертлар кенгаши баҳо беради;

фильм ижодкорлари ва техник хизмат кўрсатувчи ходимларнинг **гонорари (иш ҳақи)** фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида эркин белгиланади;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильм бир йил давомида прокатдан топган фойданинг **10 фоизи** тасвирга олган кинокомпанияга берилади, **15 фоизи** Агентлик Бадий кенгашининг қарорига мувофиқ **фильм ижодкорлари ўртасида тақсимланади;**

кинотомпанияларга **фильмни ишлаб чиқариш жараёнида фильм бюджетининг 10 фоизигача миқдорда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишга рuxсат** этилади. Бунда, нақд пул билан боғлиқ харажатлар бўйича фильм директори (продюсер), режиссёр ва хизмати учун нақд пулни олган шахс томонидан дололатнома тузилади ва у солиқ органига топширилади;

фильм прокати Марказ томонидан амалга оширилади ҳамда бунинг учун фильм смета харажатларида пиар-компания учун ажратилган маблағ Марказга йўналтирилади.

7. Белгилансинки, **миллий сериаллар ишлаб чиқариши қўллаб-қувватлаш** ва ривожлантириш учун республика миқёсида фаолият юритувчи телеканалларга Агентлик томонидан ҳар йили **12 миллиард сўмдан кам бўлмаган миқдорда субсидия** маблағлари ажратилади.

Бунда: субсидия олиш учун талабгор телеканал сериал ижодий лойиҳасини Агентликка тақдим этади;

Агентлик Бадий кенгаши сериалнинг мазмун-моҳияти, мавзуси, телеканал аудиторияси ва рейтингини ҳисобга олган ҳолда субсидия маблағлари ажратиладиган телеканалларни аниқлайди;

субсидия олувчи телеканал сериаллар бюджетининг **камида 50 фоизини ўз маблағлари ҳисобидан қоплаши** лозим.

Агентлик уч ой мuddатда миллий сериаллар ишлаб чиқариши янада ривожлантириш бўйича қўшимча молиялаштириш манбаларини аниқлаган ҳолда давлат дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида **ҳужжатли ва хроникал фильмлар ишлаб чиқариш** куйидаги тартибда амалга оширилсин:

фаолиятда долзарб ислохотлар амалга оширилаётган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳўкимияти органлари рўйхати ҳамда фильмларни молиялаштириш манбалари ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади; ушбу рўйхат ва унга киритилган фильмларни тасвирга олиш учун зарур маблағлар Марказга йўналтирилади;

Марказ ҳўжатли ва хроникал **фильмлар ишлаб чиқариши очик танлов асосида ташкил этади.**

9. **Аудиовизуал асарлар** (кино, сериал, мултьфильм, ҳўжатли фильм, телекўрсатув) **яратишда** республика ҳудудида амалга оширилган **харажатларнинг бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш** ("rebate") бўйича куйидаги тартиб жорий этилсин:

а) **хорижий кинокомпаниялар учун**, агар харажатлар суммаси:

3 миллиард сўмгача бўлса — 10 фоиз, бироқ битта фильм учун **250 миллион сўмдан ошмаган миқдорда;**

3 миллиард сўмдан 5 миллиард сўмгача бўлса — 15 фоиз, бироқ битта фильм учун **650 миллион сўмдан ошмаган миқдорда;**

5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмгача бўлса — 20 фоиз, бироқ битта фильм учун **1,5**

миллиард сўмдан ошмаган миқдорда;

10 миллиард сўмдан ортиқ бўлса — 25 фоиз, бироқ битта фильм учун **3 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда қоплаб бериледи;**

б) **маҳаллий кинокомпанияларга** улар томонидан фильм ишлаб чиқаришда тўланган **солиқ суммасининг 50 фоизи** ҳисобот йили якунига **кўра қайтариб бериледи.**

Белгилансинки:

мазкур банднинг "а" кичик бандида белгиланган компенсациялар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан тўлаб бериледи ва бу мақсадлар учун ҳар йили **20 миллиард сўм** маблағ ажратилади;

мазкур банднинг "б" кичик банди сценарийси Агентлик билан келишилган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳаллий аудиовизуал асарларга нисбатан қўлланилади;

мазкур банд давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган фильмларга нисбатан татбиқ этилмайди.

10. Миллий кинематография, кинокомпания ва кинотеатрлар тармоғини янада ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) ташкил этилсин ва унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

а) Агентлик Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

б) кинокомпаниялар замонавий инфратузилмага эга фильм тасвирга олиш объектларини (павильонларни) барпо этиш бўйича инвестиция киритиш мажбуриятини олган тақдирда, Республика комиссиясининг тақдимномасига кўра:

уларга ер майдонлари Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари томонидан электрон аукцион савдо-дорларисиз ажратилади;

уларга нисбатан асосий фаолият тури бўйича **фойда** ва павильон жойлашган майдон бўйича ер **солиқлари** 3 йил давомида **50 фоизлик ставкада** ўрнатилади;

улар 2024 йилнинг 1 апрелига қадар объектларни жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган **кино ишлаб чиқариш қурилмалари бўйича божхона божни тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари)** озод этилади.

Бунда, Агентлик инвестиция шартномасини давлат номидан имзолайди ҳамда ижара мuddати давомида ажратилган ердан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатади.

11. Кинотеатрлар тармоғини ривожлантириш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Қўрақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг ҳар бир туманида (шаҳрида) таркибида жами ўриндиқлар сони 250 тадан ва кинозаллари сони 3 тадан кам бўлмаган савдо-кўнгилочар комплексларини қуриш учун тадбиркорлик субъектларига қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган **25 сотих ер майдонлари бепул ажратилади;**

2021 йил 1 июлдан бошлаб янги қуриладиган савдо майдони 15 минг квадрат метрдан ортиқ савдо-кўнгилочар комплексларида жами ўриндиқлар сони 300 тадан ва кинозаллари сони 4 тадан кам бўлмаган кинотеатр ташкил этиш мажбурий ҳисобланади;

2024 йил 1 январга қадар кинотеатр (кинозал)лар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконини берувчи рақамли (DCP ва ундан юқори форматдаги) кино намойиши қурилмалари билан жиҳозланган тақдирда уларни харид қилиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи,

бироқ битта қурилма учун **50 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб бериледи;** янги ташкил этилган кинотеатрларга улар фаолиятининг дастлабки **уч ой давомида Агентлик буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган миллий фильмлар бепул етказиб бериледи.**

12. Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари Республика комиссияси билан биргаликда мазкур Фармон 11-банди иккинчи хатбошисининг ижросини таъминлаш мақсадида:

2021 йил 1 июнга қадар ҳар бир туман марказларида битта, шаҳар марказларида иккита кинотеатрлари мавжуд савдо-кўнгилочар комплекслари ташкил этиш учун ер майдонларини ажратсин;

2021 йил 15 июлга қадар ажратилган ер майдонларига инвесторларни жалб этиш учун очик танлов ўтказсин ва ғўлибларни аниқласин.

13. Агентлик Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳўкимликлари билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар мuddатда кино санъати ва саноати вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида **киношаҳарлар барпо этиш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

14. Агентлик Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 декабрга қадар фильмларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи ва сотилган ҳар бир чиптага доир ҳақоний маълумот билан тезкор таъминловчи **республикада фаолият юритаётган кинотеатрлар фаолиятини автоматлаштиришга қаратилган аxbорот тизимининг ишлаб чиқилишини, 2022 йил 1 майга қадар аxbорот тизимининг тўлиқ синновдан ўтказилишини таъминласин.**

Белгилансинки, 2022 йил 1 августдан бошлаб мазкур аxbорот тизимига уланмаган ҳолда кинотеатр (кинозал)ларда фильмлар намойиш этиш **чакана савдо қилиш қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади.**

15. Агентликнинг Марказ ҳузурида аxbорот-мультимедиа стриминг платформасини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 августга қадар аxbорот-мультимедиа стриминг платформасини ишга тушириш ва уни доимий тўлдириб бориш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Марказ маблағларини шакллантириш манбалари этиб куйидагилар белгилансин: 2021-2022 йиллар давомида давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган **100 миллиард сўм миқдоридagi бир марталиқ ажратма;** Марказ маблағлари ҳисобига ишлаб чиқарилган фильмлар кинопрокатидан тушадиган тушумлар;

Марказ маблағлари ҳисобидан тўлиқ ёки қисман қайтариш шартли билан молиялаштирилган фильмлар бўйича қайтарилган маблағлар; бўш маблағларни вақтинча жойлаштиришдан, лоторея ташкил этиш ва унинг фаолияти орқали олинadиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 7 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИШ Тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Агентлик Бош директорига, зарур ҳолларда, Агентликнинг марказий аппарати, тизим ташкилотлари ҳамда "Қўрақалпоқкино" агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлиmlари тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (А.А.Абдухакимов) бир ой мuddатда Агентлик марказий аппарати ва унинг тизим ташкилотлари раҳбар ва ходимларини уларнинг билим ва салоҳиятлари бугунги кун талаблари ва эгаллаб турган лавозимларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аттестациядан ўтказсин ҳамда уларни малакали кадрлар билан тўлдирish чораларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки: молиялаштириш манбаидан қатъи назар,

маҳаллий кинокомпаниялар томонидан ишлаб чиқарилган фильмлар ва уларнинг бошланғич материаллари, шунингдек, республикада амалга оширилаётган йирик лойиҳалар бўйича тайёрланган видео ва фото материаллар сақлаш учун бир нусхада Ўзбекистон миллий кинофондида топширилади;

мазкур қарорга мувофиқ тугатилаётган уни-тер корхоналарнинг қолдиқ маблағлари, уларга тегишли бино (иншоот)лар ва моддий-техника базаси Агентлик ва унинг ҳудудий бўлиmlари ҳисобига ўтказилади.

5. Агентлик ва "Danmon group" компанияси (Дания Қўроллиги) ўртасида 2020 йил 8 октябрда кино ишлаб чиқариш қурилмалари, технология ҳизматлари ва мультимедиа маҳсулотларини харид қилиш бўйича танлов савдолари асосида импорт шартномаси имзоланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Молия вазирлиги уч ой мuddатда имзоланган импорт шартномасининг олдиндан

15 фоиз тўловини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплашнинг таъминласин. Бунда, импорт шартномаси ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари доирасида рўйхатдан ўтказилади.

Импорт шартномасининг қолган 85 фоиз тўловини қоплаш учун "Ўзмиллийбанк" АЖ Австриянинг "Райффайзенбанк" банкидан 5 йил мuddатга, шу жумладан, 1 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 0,8 фоиз ставкада жалб қилинадиган кредит линияси ҳисобидан кредит маблағларини ажратсин ва кредит бўйича "Ўзмиллийбанк" АЖнинг маржасини 1 фоиздан оширмаган ҳолда белгиласин.

6. Белгилаб қўйилсинки: Австриянинг "Райффайзенбанк" банки кредити бўйича асосий қарзни қоплаш, фоиз, сўгурта ва комиссиялар бўйича тўловлар Молия вазирлиги Ҳазначилигида очиладиган махсус ҳисоб рақамда тўланадиган сотиб олинган кино қурилмаларидан фойдаланишдан туша-

диган пул маблағлари, етмай қолган қисми эса Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади; кредитнинг импорт шартномасига асосан сотиб олинаётган кино қурилмалари билан қолланмаган қисми бўйича "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан таъминот сифатида гаров расмийлаштирилмайди;

импорт шартномаси бўйича харид қилинадиган кино қурилмалари, технология тизимлар ва мультимедиа маҳсулотлари "Ўзбекфильм" киноконцерни" ДУКнинг моддий-техник базасини кучайтириш учун йўналтирилади.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс эксперти-

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг ҳўмийлик хайриялари ва қонун ҳўжжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

17. Белгилансинки, 2023 йил 1 январга қадар, эксперимент тарихисида, Агентлик маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариладиган фильмларга жалб қилинган инвестиция маблағлари натижасида иқтисод қилинган бюджет маблағлари Марказга йўналтирилади.

Бунда: Агентликка Давлат бюджетидан фильм ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида уларнинг иқтисод қилинган қисми Марказга йўналтирилади;

Марказга йўналтирилган маблағларнинг 15 фоизигача миқдори инвестиция маблағларини жалб этган юридик ёки жисмоний шахсларга рағбатлантириш сифатида ажратилади.

Молия вазирлиги Агентлик билан биргаликда эксперимент натижаси бўйича уни давом эттириш мақсада мувофиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

18. Агентлик:

а) **бир ҳафта мuddатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини киритсин;

б) **икки ой мuddатда:** Молия вазирлиги билан биргаликда давлат буюртмаси асосида фильм ва сериалларни ишлаб чиқариш бўйича ижодий танлов ўтказиш тартибини такомиллаштириш;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган фильм ижодкорларини тоифалаш;

"Кинематография фидокори" кўкрак нишон тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонун ҳўжжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. 2024 йил 1 январга қадар 3-иловага мувофиқ кинокомпаниялар моддий-техник базасини кучайтириш ва кинотеатр (кинозал)лар учун товарлар олиб киришда божхона божининг ноли ставкаси белгилансин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари А.А.Абдухакимов ва Агентлик бош директори Ф.Ф.Абдухаликов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 7 апрель



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкиллаштирилган ҳолда хорижда ишга жойлаштириш, улар билан доимий мулоқот қилиш ва муаммоларини тизимли ҳал этиш ҳамда Ватанга қайтиб келганидан сўнг иш билан таъминлашда Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари раҳбариятининг шахсий масъулиятини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раёсат мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида республикада хорижда ишлаш истагида бўлган фуқароларни касб-хунар ва хорижий тилларга бепул ўқитиш, кетиш харажатларини қоплаш учун имтиёзли микроқарзлар бериш, чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни бошлашига қўмақлашиш учун субсидиялар ажратиш тизими жорий қилинганлиги қайд этилди.

ҳокимликларининг мазкур ҳудудларда хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.



СЎХ: БУГУНГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Бошланғичи 1-бетда
Баҳорат ЮНУСОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бугун "Чашма", "Навобод", "Девайрон" МФЙ ҳудудида 204 хонали кўп қаватли намунавий типдаги арзон уйларда сўнгги пардоз ишлари бажарилмоқда. Насиб қилса, бу уйлар жорий йил майида фойдаланишга топширилади. Хозир уйга муҳтож, кам таъминланган ҳамда ногиронлиги бўлган 65 нафар фуқарога субсидия ажратилиб, уйларнинг дастлабки бадали давлат ҳисобидан тўлаб берилди.



Содик Мирзаевнинг айтишича, тумандаги 176 та кўча таъмирланди. Лой кўчалар асфальт бўлди, пидедалар йўлакларни қурилди. Бундан ташқари, 35 дона янги трансформатор, 14 минг замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилди, 100 километр янги электр тармоқлари тортилди. Табиий газ етиб бормайдиган қишлоқларни суёлтирилган газ баллонлар билан таъминлаш мақсадида "Зангат" МФЙ ҳудудида қиймати 1 миллиард 800 миллион сўм бўлган газ тўлдириш шохобчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.



Чироқ ҳам кам ёнарди, фарзандларимиз кўёш ботгунча, дарсини қилиб олишга интиларди".

Бугун уларнинг шу орузи ҳам ушалди. Туманда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилди. Сўхдаги марказий шифохонада республика тиббиёт марказлари билан онлайн алоқа йўлга қўйилди. Илгари Тошкентда, вилоят марказидаги шифохоналарда бажарилган мураккаб жарроҳлик амалиётлари энди шу ернинг ўзида қилинаётгани ҳам катта имконият бўлди. Шу кунларда туман тиббиёт бирлашмасининг 25 уринли юқумли касалликлар шифохонаси қурилиши якунланмоқда. Тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, уларнинг малакасини ошириш учун шароитлар яратилди, поликлиникалар зарур тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминланди.

лзим. Хусусан, "Агробанк" томонидан марказий шифохонанинг диагностика марказига янги замонавий УТТ аппарати соғва қилинди. Унинг қиймати салкам 400 миллион сўмини ташкил этади. Бундан ташқари, 280 миллион сўмлик колонаскоп аппарати ҳам келтирилди.

ҲАР БИР ЁШ — ЭЪТИБОРДА

Туман аҳолисининг 15 мингга яқинини 18-30 ёшлилар ташкил қилади. Бугун улар ҳар жабҳада фаол. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олий таълим муассасаларига кириш учун сўхлик ёшларга 500 та квота ажратилгани уларнинг таълим олиши, оруз-истаклари амалга ошириш учун зўр имконият бўлди. Пировардида 468 нафар йигит-қиз олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

БОБОСОДИК ЛАТИПОВ, ҲОКИМНИНГ ЁШЛАР СИЁСАТИ, ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА УРИНБОСАРИ:

— Тўрт-беш йил олдин аксарият қишлоқ ёшлари ишсиз юрарди. Оқибати маълум... Бугун ёшларимиз ҳаёти тубдан ўзгарган. Кўчада беҳуда тентираб юрганларни кўрмайсиз.

"Ёшлар меҳнат гузари" қурилди, абитуриентларни тайёрлаш, ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш ва "Беш ташаббус" марказлари, тиквуччилик чеҳи, фитнес клуб фаолияти йўлга қўйилди.

Ёшларни ишга жойлаштириш, тадбиркорлигига қўмақлашиш, касб-хунарга ўқитишга эътибор қаратилмоқда. Ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

7 апрель куни Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида буюк шоир ва мутафаккир, давлат ва жамоат арбоби Мир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбирда Навоий меросини ўрганиш бўйича дунёнинг етакчи олимлари, адабиётшунослар, илмий тадқиқотчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲИРОТДА АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛАРДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистондан таниқли навоийшунос олимлар, тадқиқотчилар, Алишер Навоий ижоди билимдонлари қатнашди. Улар ўз чиқишларида улуғ шоир шеърини ва насрий асарларида инсонпарварлик, маърифат, тинчликсеварлик каби юксак умуминсоний ғояларни қўйлагани, ўзбек тилининг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоян эитиб, ер юзидagi миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустақкам ўрин эгаллаганини таъкидлади.

Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг Навоийга "Алишербек назирини йўқ қилиш эди. Туркий тил била то шеър айтувчулар, ҳеч ким очна кўп ва ҳўп айтган эмас" деб таъриф берганига тўла асос борлиги қайд этилди.

Дарҳақиқат, Навоий шеърини бу — инсон турмуш тарзи ҳақидаги мукамал тўпламдир. Унинг деярли барча ғазаллари ва асарларида инсонийлик, саховат, адолат, қийинчиликларни биргаликда енгиш каби эзгу мақсадлар мадҳ этилган. Қарий олти аср ўтибдики, буюк мутафаккир асарлари ва тинчликпарвар ғоялари жаҳон тамаддуни хазинасидан муносиб ўрин эгаллаб, авлодларга намуна бўлмоқда.

Ўзбек ва афғон халқлари ўртасида чўқур маданий алоқалар, маънавий ва тарихий мероснинг муштараклигига алоҳида ургу берилди.

Ушбу бебаҳо меросда Навоий ижоди марказий ўринлардан бирини эгаллаб турибди ва буюк аждодимиз шеърининг англаб етишда бирлаштирувчи тамойил бўлиб хизмат қилмоқда. Анжуманда Ўзбекистон Президенти номидан афғон халқига соғва сифатида янги чоп этилган Алишер Навоийнинг "Хамса" асари тақдим этилди. Ушбу соғвани давлатимиз раҳбарининг



Афғонистон бўйича махсус вакили Исмаилла Эргашев топширди.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари Ҳиротга амалий ташрифи давомида буюк шоир макбарасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилиниб, Алишер Навоий қабрига гуллар қўйилди.

"Дунё" АА.

Ҳирот



БАХТЛИ ИНСОН ЙЎҚДИР УЛАРДЕК...

1 апрель тонги сўхликлар учун ўзгача файзли бошланди. Шу кун Фарғона вилояти ва Қирғизистоннинг Боткен вилоятлари орасида чегара постлари фаолияти қайта тикланиб, Қирғизистон орқали ўтган Сўх — Риштон йўли яна очилди. Бу мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, сўхликлар ҳаётига катта тарихий ҳодиса сифатида муҳрланди. Энди биз Сўхдаги кенг кўламли бунёдкорлик ишларини кузатиш, юртдошларимиз кайфияти билан танишиш, улар билан юзма-юз диллашиш имконига эгамиз.

Йўл очилиши барча сўхликлар қатори "Чумоқча" МФИда яшовчи аҳолининг ҳам оғирини енгиб қилди. Муаммолари бартараф этилди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ



Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Халқаро ишлар ва парламентлараро
алоқалар қўмитаси раиси
ўринбосари



Ўқтам ИСЛОМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз ва юртимиз манфаатларидан келиб чиқиб юритаётган очиқ, дўстона ва прагматик тамойилларга асосланган ташқи сиёсат минтақада, дунёда тинчлик ва тараққиётни таъминлаш, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётди. Бу жараёнда парламентларо алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳам амалий қадамлар ташланаётгани маҳаллий ва хорижий экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.

Хусусан, парламентимизнинг халқаро парламентлараро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги юртимиздаги кенг қамровли ислохотларга мос равишда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Парламент дипломатияси бир қанча йўналишларда фаоллашиб бораётганини кузатиш мумкин.

Биринчидан, 2020 йилда Олий Мажлис палаталари кенгашлари томонидан хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда парламентнинг ролини янада кучайтириш мақсадида Парламент дипломатияси концепцияси қабул қилинди. Ушбу концепцияда хорижий парламентлар билан алоқаларни фаоллаштириш, уларнинг қонуни ижодкорлиги тажрибасини бевосита ўрганиш, халқаро парламентлараро ташкилотлар фаолиятида Олий Мажлисининг фаол иштирокини таъминлаш, юртимиздаги ислохотлар жараёнидан халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиш, мамлакатимиз ташаббусларини илгари суриш каби устувор вазифалар белгиланди.

Иккинчидан, Олий Мажлисининг хорижий мамлакатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссиялари ишини фаоллаштириш ва амалий муносабатларни кенгайтириш чоралари кўрилиши натижасида уларнинг фаолияти янада жонланди. Бугунги кунда парламентлараро

ҳамкорлик гуруҳлари хорижий давлатлар қонун чиқарувчи органлари билан алоқаларни ривожлантириш майдони вазифини ўтамоқда, чет эллик ҳамкорлар билан очик, конструктив ва жонли мулоқот қилишнинг қулай механизмига айланмоқда.

Хусусан, 2015 – 2019 йиллар давомида ҳамкорлик гуруҳлари жами 28 давлатнинг қонунчилик органлари билан ишлаган бўлса, ҳозир улар сони 51 тага етди. Жумладан, 50 та давлат ва Европа Иттифоқи парламентлари билан ҳамкорлик гуруҳлари ташкил қилинди.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро шартномалардаги мажбуриятлари бажарилишида парламентнинг назорат функциялари тобора кучайиб бораётган бўлиши билан бир қатар, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бажарилиши, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Қонунчилик палатаси ролини ошириш, халқаро ташкилотлар тавсиялари ижросини ташкил этиш ишлари парламентимиз томонидан алоҳида назоратга олинди.

Тўртинчидан, парламент дипломатияси халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлигининг турли шаклларида амалга оширилмоқда.

Пандемияга қарамай, 2020 йил мобайнида Қонунчилик палатасида қатор расмий учрашувлар ўтказилди. 14 депутатнинг чет элдаги сайловларда куза-

тувчи, халқаро тадбирларда иштироки сифатида сафарлари уюштирилди.

Қайд этиш жоизки, коронавирус пандемияси даврида ҳам Қонунчилик палатасининг хорижий мамлакатлар билан парламентлараро алоқалари изчил давом эттирилиб, 34 та онлайн халқаро тадбир ташкил қилинди.

Жумладан, АҚШ Давлат департаменти, Халқаро диний эркинлик комиссияси, АҚШ Конгресси ҳузуридаги Хельсинки комиссияси ҳамда Глобал жалб қилиш институтининг расмий вакиллари иштирокида дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш масалалари бўйича видеоконференция, "БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари қўмитаси мисолида БМТнинг устав ва шартномавий органлари тавсияларини амалга оширишда парламентнинг роли" мавзусидаги халқаро онлайн парламент форуми ўтказилди.

Жорий йил 6 апрелда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси спикери Пак Бен Сок билан юзма-юз учрашув ва мулоқот ўтказилгани парламент дипломатиясига яна бир мисол бўла олади.

Ушбу учрашувлар парламентимизнинг мамлакатимиз ташқи сиёсатида доир муҳим масалаларни ҳал этишдаги иштирокини кенгайтириш, парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштириш имконини бермоқда.

Хулоса шунки, сўнгги йилларда парламентимиз мамлакат ташқи сиёсатининг фаол иштирокчисига айланди. Парламент дипломатиясининг географияси кенгайиб, натижадорлиги ошмоқда. Ушбу ҳолат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда узвий алоқаларни ўрнатishi имконини яратиб, давлатлараро дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ҳар томонлама ёрдам беради.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР



Шоира УСМАНОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик университети
корейшунослик факультети
декани, филология фанлари
доктори, профессор

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 30 йил бўлди. Шу йилнинг 28 январь куни Ўзбекистон ва Корея Республикаси Президентларининг видеоконференция шаклида ўтказилган онлайн саммити бу иккала давлатнинг ўзаро манфаатли алоқалари ҳамда стратегик шериклик янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Мазкур саммитда олий, касб-хунар ва мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва реставрация қилиш соҳаларидаги ҳамкорлигини жорий ва истиқболли дастурлари кўриб чиқилди. Президентлар Ўзбекистонда Жанубий Корея етакчи университетларининг филиаллари ва кадрларни профессионал тайёрлаш бўйича қўшма марказлар сони ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этди, мамлакатларимизнинг етакчи олий таълим муассасаларида ўзбек ва корей тилларини ўқитишни кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишни таъкидлашди.

КОРЕЯШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ — МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Давлатимиз раҳбари куни кеча Корея Республикаси парламентининг Миллий Ассамблея Спикери Пак Бен Сок бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Суҳбат чоғида таълим, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш ҳамда гуманитар алмашинув соҳаларидаги қўшма дастурларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ҳар иккала давлат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Юртимиз олий таълим муассасалари Корея Республикасининг 30 дан ортик илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйган. Қатор таълим муассасаларида корей тили ҳамда маданияти марказлари очилган.

Президентимизнинг 2017 йил ноябрь ойда Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи натижасида барча соҳаларда мазкур давлат билан икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган "йўл хариталари" ишлаб чиқилган эди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар қамровининг тобора кенгаётгани, ўз навбатида, илгор хорижий таълим услубларини жорий этиш асосида Корея тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти соҳасида чуқур билимга эга бўлган ва корей тилида эркин мулоқот қила оладиган юқори малакали корейшунослар мутахассислар тайёрлаш тазоэо этмоқда. Айни шу мақсадда 2018 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтида корейшунослик факультети очилди.

Корейшунослик факультети нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда ягона бўлиб, ушбу даргоҳда филолог ва таржимон кадрлар етиштириш билан бирга, Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётгани юқори малакали мутахассислар ҳам тайёрланади.

Ҳозирги кунда факультетда 562 нафар талаба, 14 нафар магистрант, 4 нафар докторант (улардан 2 нафари Корея Республикаси фуқароси) ва мустақил ишланувчи тахсил олмақда. Факультетнинг "Корей филологияси" ва "Корея тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти" кафедраларида 37

нафар илмий-академик салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Булардан 9 нафари корейлик профессор-ўқитувчилар бўлиб, уларнинг корейшунос мутахассисларни тайёрлашда катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Факультетда таълим олиш икки — бакалаврият ва магистратура босқичларида олиб борилади. Унда Корея Республикасининг 12 та нуфузли олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг узоқ ва қисқа муддатли дарс беришлари ҳамда улар иштирокида масофавий онлайн дарслар ташкил этиш ишларида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр ичида Ханянг университети билан "Корея иқтисодиёти: бугунги ва келажак" мавзуларида онлайн дарслар ташкил этилди. Жорий ўқув йилида Корейшунослик факультети талабалари учун Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ва Ўзбекистондаги корейлик ишбилармонлар томонидан "Корея жомаси" (Team Korea) ҳамда Ханянг университети билан "Оммавий ахборот воситалари орқали Кореяни ўрганиш" (Korean Language and Culture Experts) мавзуларида онлайн дарслар бўлиб ўтди. Шунингдек, Ханянг ва Бусан чет тиллари университетлари билан анъанавий таълимдан фарқ қилган "Тандем" инновацион дарслар ҳам йўлга қўйилган. "Тандем" дарсларида ўқув машғулотлари жуфтлик асосида олиб борилади. Машғулотларда ҳам корейлик, ҳам ўзбекистонлик талабалар иштирок этишад ва улар жуфтлик бўлиб, берилган топшириқларни биргаликда мустақил тарзда бажаришади. Бундай инновацион дарслар талабаларнинг нафақат тил ўрганишига, балки шу тил соҳиб бўлган халқ маданияти, урф-одат ва анъаналари ҳақида ҳам чуқур билим олишларига имконият яратади.

Корейшунослик факультети профессор-ўқитувчилари, докторант-тадқиқотчилари, магистрантлари ва талабалари Корея фонди ва Корея Академиясининг халқаро

ГИДРОЭНЕРГИЯ



ТАБИАТ ИНЪОМ ЭТГАН ҚУВВАТЛАР

ҳам арзон, ҳам атроф-муҳит учун зарарсиз

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Мамлакатимизда гидроэнергетикани ривожлантириш учун табиий шaroит етарли. Бу имкониятдан самарали фойдаланиб, энергия ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодиётимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Сўнгги йилларда "Ўзбекгидроэнергo" акциядорлик жамияти томонидан соҳада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, янги гидротехник объектларни фойдаланишга топшириш, эски ГЭСларни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришдаги маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш шулар жумласидандир.

2020 йилда "Ўзбекгидроэнергo" АЖ томонидан янги қурилиш ва модернизациялашга оид 6 лойиҳа бажарилди. Уларнинг умумий қуввати 118,3 МВтни ташкил этади. Бу эса қўшимча 543 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилишига замин яратди.

Ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 2 майдаги "2017-2021 йилларда гидроэнергетикани ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори асосида Сурхондарё вилояти Сароисиё туманида янгидан барпо этилган Зарчоб-1 кичик ГЭСидир. Мазкур ГЭС қурилиши "Ўзбекгидроэнергo" АЖнинг тизим шиклиги ҳисобланган "Гидропроект" АЖ томонидан лойиҳалаштирилган. Кичик ГЭС фаолият бошлаши натижасида 80 киши иш билан таъминланди.

— 2019 йил 30 апрелда Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Сароисиё туманидаги Тўпаланг ГЭСида амалга оширилган ишлар, Зарчоб-1 ва Зарчоб-2 кичик ГЭСлари қурилиши билан танишган эди, — дейди "Ўзбекгидроэнергo" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Абдуғани Сангинов. — Айни пайтда

Зарчоб-1 кичик ГЭСи ишга туширилди. Унинг қуввати 230-240 минг аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида қуввати 38,2 МВтга тенг бўлган Зарчоб-2 кичик ГЭСини ҳам фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Зарчоб-3 кичик ГЭСининг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Фойдаланишга топширилган кичик ГЭС учун зарурий технология қурилмалар Хитойнинг етакчи "Dongfang Electric International Corporation" компанияси томонидан етказиб берилди. 2 та гидроагрегатнинг умумий қуввати 37,4 МВтни ташкил этади.

— Ушбу объектдаги қурилиш ишлари 2017 йил август ойида бошланган эди, — дейди Тўпаланг ГЭСлар каскади бошлиғи Асрор Улуғов. — Ўтган давр мобайнида кичик ГЭСда қурилиш-монтаж, соzлаш ва синов, автоматик тизимни марказлашган ҳолда бошқариш ишлари амалга оширилди. Станциядаги гидроминшоотлар синов-тажриба жараёнидан муваффақиятли ўтди. Тўпаланг дарёсидан Зарчоб-1 кичик ГЭСига сув оқиб келадиган 480 метр узунликдаги туннел ва 1 300 метр узунликдаги канал, босимли ҳовуздаги сув кўтариш иншоотлари шай ҳолатга келтирилиб, белгиланган тартибда синовдан ўтказилди.

Янги ГЭСдаги зарурий асбоб-ускуналар ҳамда гидроагрегатлар хитойлик ҳамда маҳаллий мутахассислар томонидан биргаликда монтаж қилинди. Ушбу ишларни бажаришда соҳа-

да етарлича тажриба ва нуфузга эга бўлган "Turonelektromontaj" АЖ, "NP ESAN" МЧЖ, "АGEM" МЧЖ каби корхоналар билан бир қаторда "Тўпаланг ГЭС" УКнинг Зарчоб-1 кичик ГЭСи бўлимига 2020 йилнинг бошида иш бошлаган истиқболли ёш мутахассислар фаол жалб қилинди.

— Бу ГЭСнинг фойдаланишга топширилиши вилоят аҳолиси ва иқтисодиёт тармоқлари учун жуда катта аҳамиятга эга, — дейди Халқ депутатлари Сароисиё тумани кенгаши депутаты Очилди Хидиров. — У вилоятдаги аҳоли хонадонлари, саноат ва иқтисодиёт корхоналарининг электр энергиясига бўлган талабининг катта қисmini таъминлаш имконини берди. Бундан ташқари, бу ерда ёшларимиз иш билан таъминланди. Энг аҳамиятлиси, ушбу ресурслар табиий ва қайта тикланувчидир.

Мазкур ГЭС билан бир вақтда Зарчоб подстанцияси ҳам янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу подстанция "ақлли" ва замонавий технологик қурилмалар билан жиҳозланган бўлиб, Зарчоб-1, Зарчоб-2, Тўпаланг, Гулча ҳамда Регар подстанцияларини ягона энерготизимга бирлаштиради.

Давлатимиз раҳбарининг Сурхондарёга 2019 йилги ташрифи чоғида Тўпаланг дарёсининг юқори қисмида қуввати 25 МВт бўлган Мизот ГЭСи ва қуввати 50 МВт бўлган Киштут ГЭСи қурилиши ҳам белгиланган эди. Ҳозир мазкур лойиҳа майдонлариغا олиб борувчи 30 километрни йўлнинг 10 километрида қурилиш ишлари якунланди.

Соҳадаги бу каби инқилобий ўзгаришлар аҳоли турмуш фаровонлиги ошишига, ишлаб чиқариш субъектлари электр қуввати билан узуксиз таъминланишига, юртимиз иқтисодиётининг янада тараққий этишига муҳим замин яратади.

ВАКЦИНАЦИЯ

ЭМЛАШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Расулжон КАМОЛОВ

Фарғона шаҳрида 7 та оилавий поликлиникада коронавирусга қарши оммавий эмлаш ишлари олиб борилмоқда. Фуқаролар белгиланган тартибда шиқорлар кўригидан ўтиб, ижобий натижа олинганидан сўнг эмланмоқда.

— Кўнгилли равишда биринчилардан бўлиб, вирусга қарши вакцина олдим, — дейди Фарғона шаҳар Янгийер кўчасидаги 53-уйда истиқомат қилаётган 75 ёшли меҳнат фахрийси Мухторжон Обиддинов. — Бу жараён санитария-гигиена ва хавфсизлик қоидаларига риоя этган ҳолда, тартиб билан амалга оширилмоқда. Вакцина қабул қилиш, энг аввало, ўзим, қолаверса, яқинларим соғлиғи учун муҳим.

Жараён аввалида эмлашга 65 ёшдан ошган нурунийлар ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари жалб этилган.

— Белгиланган режага кўра, ҳар куни 70 нафардан ортик киши коронавирусга қарши вакциналар билан эмланмоқда, — дейди Фарғона шаҳридаги 5-оилавий поликлиника бош шифокори Феруза Мадалиева. — Бу ерда фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш, кузатув хонасида назоратда бўлиш билан боғлиқ барча шароит яратилган. Эмлаш билан боғлиқ тарғибот материаллари алоҳида ўрин ажратилган. Бу муҳим жараёнинг дастлабки босқичида 145 нафар фуқароларимиз эмланган. Эмланганлар 3 кун мобайнида шиқорлар назоратида бўлади. Иккинчи босқич 12–24 кундан сўнг амалга оширилади.

Айни кунга қадар Фарғонага 77 000



доза Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ZF-UZ-VAC 2001, шунингдек, 76 000 доза COVAX жамғармаси томонидан AstraZeneca вакциналари келтирилди.

Жорий йилда вилоятда 600 минг нафардан зиёд фуқарони COVID-19 га қарши вакцина билан бепул, босқич-босқич эмлаш режалаштирилган.

— Биринчи босқичда вилоятимиздаги 187 минг 830 нафар 65 ёшдан ошган кексалар, 310 минг 534 нафар сурункали касалликлари бор шахслар, 51 минг 260 нафар тиббиёт ходими ҳамда 107 минг 164 нафар мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари эмланади, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят бошқармаси бошлиғи Аҳмадjon Якубов. — Жойларда вакциналарни сифатли сақлаш ва ташши учун БМТнинг бола-лампа жамғармаси — ЮНИСЕФ томонидан 1 та музлаткичи юк машинаси ва 19 та "Минивен-Лабо" автомобили хизмат қилапти.

Айни пайтда аҳолининг юқори хавфга эга қатлами ҳамда тиббиёт ходимларини эмлаш учун 359 та мобил бригада иш олиб бормоқда.



АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 685 ЙИЛЛИГИГА

ТЕМУРИЙЛАР РЕНЕССАНСИГА ЯНГИ ЧИЗГИЛАР

ва қўлланмалар фихристи яратилди; "Амир Темур дунё фани кўзгусида" номли библиографик нашр хорижий тилларда чоп этилди;

жаҳон тарихшунослигида мустақил те- мурушунослик илмий йўналиши шакллан- ганига асосланиб, "Амир Темур жаҳон тарихида" номли асар яратилди;

"Амир Темур библиографияси" ҳамда "Амир Темур салтанати тарихнавис- лиги" номли библиографик кўрсаткичда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган адабиётлар жамланди;

"Темурийлар даври Ренессанси", "Темурийлар даври ёзма ёдгорликла- рининг Ўзбекистонда ва хорижда ўр- ганилиши", "Ўзбекистон тарихига оид маданий-маънавий мероснинг хорижга тарқалиши ва уларнинг ватанимиз та- рихида тугган ўрни", "Шоҳруҳия қалъа шаҳри — Амир Темур ва Темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги", "Чет эл- ларда сақланаётган Темурийлар даври ашёлари каталоги", "Ўрта Осиёда китобат санъати тарихинда (Темурийлар даврида яратилган асарларнинг кўлэ- ма ва тошбосма нусхалари)", "Амир Темур ва Темурийлар давридаги ҳарбий санъат" каби мавзуларда туркум асарлар чоп этилди.

Амир Темур ва Темурийлар даври та- рихшунослиги бўйича Ўзбекистонда қатор салмоқли ишлар қилинган. Аксарият тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бошқа тарихий даврини ўрганишда адабиётлар таққилиги қийнаса, бу давр тадқиқотчи- га адабиётларнинг кўпчилиги ва турлича муносабат қийинчилик туғдиради. Айнан шу жиҳат ҳам библиографик тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради.

Кейинги йилларда Амир Темур шахси ва даврига оид бирмунча манбалар тар- жимаси, илмий, илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар яратилдики, уларни аниқлаш, тўплаш ва тизимлаштириш зарурияти пайдо бўлди. Шу мақсадда яқинда Ўзе- бкистон Республикаси Фанлар академия- си Темурийлар тарихи давлат музейи томонидан Ўзбекистон ва жаҳон миқё- сида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланб нашр қилинган адабиётлар жамлаиб, изоҳлар билан янги "Амир Темур. Библиография" тўпламининг би- ринчи китоби чоп этилди.



Ушбу библиографик кўрсаткичда: биринчидан, юртимизда Амир Темур хотирасини абадийлаштиришга бағишлан- ган расмий (қонун, фармон, қарор ва бош- қа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) маълу- мотлар умумлаштирилди;

иккинчидан, мавзуну ёритувчи моно- графиялар, рисоалар, диссертациялар, юбилейларга бағишланган альбомлар, конференция материаллари, ўқув қўллан- малар, республика ва хорижий нашрларда чоп этилган мақолалар жамланди;

учинчидан, хорижий давлатлардаги кутубхоналар, музейлар ва фондлардан ўрин олган адабиётлардан ҳам имкон қад- дар фойдаланилди.

Жумладан, турли тилларда нашр этил- ган китоб ва мақолалар имкон қадар жам- ланиб, муайян тартибга солинди. Унга, хусусан, ўзбек тилидаги 2 248 та, рус ти- лидаги 2 085 та, инглиз тилидаги 655 та, француз тилидаги 221 та, араб тилидаги 29 та, форс-тожик тилидаги 76 та ва турк тилидаги 296 та нашр тўғрисидаги маълумотлар ўрин олди.

Таъкидлаш жоизки, китоб ниҳоятда юқо- ри полиграфик даражада тайёрланган.

Маъмур китоб мавзуну давомлидир, яъни йилдан-йилга янги адабиётлар, тадқиқот- лар қўшилиб бораверади. Бу ҳол ўз-ўзидан келгусида бу библиографиянинг давомли нашрлари яратилишига замин бўлади. Ушбу библиографик кўрсаткич замонавий тарих фани учун долзарб ҳисобланиб, Амир Темурнинг ибратли ҳаёти ва давлат- дорлик фаолиятини ўрганишда қўлайлик ва имконият яратиб, келгуси тадқиқотлар- ни йўналтиришда амалий аҳамият касб этади. Китоб муаллифларига кейинги ишларини тайёрлашда омадлар тилко қо- ламиз.

Янги Ўзбекистон сиёсати инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш, жамиятда адолат ва қонуний устуворлигини сўзсиз таъминлаш каби юксак гоёларга таянмоқда. Бу гоёларнинг тарихий илдири, аждодларимиз аввало, бобомиз Амир Темур қурган салтанат ва унинг адолатли бошқарувиغا асосланади.



ТЎРА ВА ТУЗУК АСОСИГА ҚУРИЛГАН САЛТАНАТ

Камола ҚАЙОМОВА, ЎзФА Тарих институти таянч докторанти

Соҳибқирон барпо этган салтанат тажрибаси ўлароқ яратилган "Те- муур тузуқлари"даги мана бу гувоҳлик эса бунинг исботидир: "Давлат агар... тўра-тузуқга боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва тарти- би йўқолди. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшармик, уни қўрган ҳар кимса Назарини олиб қочади. Ехуд қасу но- кас тап тормай кириб чиқадиған том- сиз, эшиги-тўсиги йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим- нинг биносини... тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатнинг бош- қаршида учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажар- дим".

Демак, Амир Темур даврида эри- шилган улкан ютуқлар замирида, энг аввало, тартиб-интизом, қонун-қоида- га қатъий риоя қилиш омили бўлган. Амир Темур бошқарган давлатда бу каби ҳуқуқ манбаларининг мавжудли- ги, уларнинг ҳаракати, бажарилиши ва риоя қилиниши устидан қаттиқ назорат ўрнатилиши, шубҳасиз, қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Буни 1404 йили юртимизда бўлган испан эл- чиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам ўз эсдаликларида қайд этган: "Самарқанд шаҳрида қонунчиликка риоя қилинади, бирор киши бошқа кишини ҳафқа қил- майди. Еки бекнинг кўрсатмасисиз бир- рор кишига зўрлик ишлатилмайди".

Амир Темур қонунларга риоя қили- нишини таъминлашга шу қадар эъти- бор бергани, уни бузгани учун қорони лавозимдаги мансабдорлар, хатто, ўзининг энг яқин қариндошлари ва фарзандларини ҳам аяб ўтирмаган. Бу ҳақида "Тузуқлар"да бундай битилган: "Ва яна менга қавм-қариндошлиги бор

кишиларга ўз ҳолига қараб ва қобили- ятига яраша биринчи даражали амир мартабасидан тортиб, то еттинчи дара- жали амир мартабасигача бўлган амир- лик ва валийлик мансаблари берилган. Уларнинг ҳар бири ўз мартабасига яра- ша иш тутиб, ҳаддидан ошмасин. Бунга хилоф равишда иш тутганлар жавоб- гарликка тортилсинлар".

Ўнгирлик ва талончилик кечирилма- ган. Шаҳарда юз берган ўнгирлик учун унинг ҳокими-доругаси жавоб беради. Ўғри топилмаса, доруганинг қўли кесил- либ, ўғрининг ўрнига ўзи жазоланади. Архиепископ Жоннинг ёзишича, агар Амир Темурга тобе бирор мамлакат до- ирасида бирор савдогарнинг мол-мулки ўғирланса, ўша ерликлардан савдогар фойдаси учун икки баробар тонов пули ундирилган. Шу тариқа салтанатда ўр- натиладган тартиб ҳақида Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" ас- рида бундай ёзган: "(Соҳибқирон) оз фурсатда улғу вилоятларни мусаххар қилди. Ва вилоятларни золимларнинг эзилларидин кутқариб, адлу эҳсон била ордига қилди. Ва анинг адлидин андоқ бўлдики, агар бирор бир табақ олтуң е кумиш бошига қийиб йалғуз сахрода кириб бохтардин ховаргача (яъни гар- дан шарқача) борғай, ҳеч киши анга тик боқа олмас эрди".

Амир Темур ўз "Тузуқлар"ида ҳақиқий айбдорни аниқлашга алоҳида тўхтала- ди. "Буюрдимки, гаразгүй, тумхати ва нафси бузққ кишилариин тухмат сўзла- ри билан қатта ва кичик шаҳарлар аҳо- лисидан ҳеч кимни жазоламасинлар. Фақат биронинг гуноҳи тўрт кишининг гувоҳлик бериши билан исботланса, гу- ноҳига яраша жазолансин".

Булоқ бобомизнинг ўғитлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бир- рова тумхат қилиш, биронинг ёмонлаш, гаразгүйлик барча замонларда қо- раланган. Бундай ҳолатларга қарши қону- ний чоралар қўрилган.

Ўрта Осиёда сўфийларнинг доира билан рақ- су наъмога тушиши мўғуллар истилосидан кейин буткул йўқолиб кетган. Аммо унинг айрим қури- нишлари бошқача тарзда Кўхитанг хатакиларида сақланиб қолди. Кўхитанг хатакиларининг шажа- раси ўрганилганда уларнинг XII-XIII асрлардаги аждодлари сўфийлик тарикатларида пир бўлганли- ги аниқланди. Кейинги асрларда ҳам уларнинг ав- лодлари орасидан кўп авлибалар, мутасаввуфлар етишиб чиққан.

Шуни ҳисобга оладиган бўлсак, хатакилардан етишиб чиққан сўфийлар бадаш йўқолиб кетмасли- ги учун уни халқ фольклорига айлантира олган ва бугунги кунгача етказиб келган. Хатакилар кўп йил- лар давомида марказий шаҳарлардан четроқда, баланд тоғларда бошқа уруғлар билан аралашмай яшаган. Асрлар давомида бадаш халқ турмушини тартибга солган, одамларни сабр-тоқатли, меҳри- бон, тўғрисиқ, жасоратли, садоқатли, меҳнатсевар бўлишга ундаган, ватанини, элни севишга ургатган. Шу жиҳатлари туфайли бадаш доиранинг бошқа йўналишлари томонидан сиқиб чиқарилмаган.

Бадаш — ўзбек халқининг қадимий муסיқий йўналишларидан бири. Мўҳими, европаликлар но- тани иختиро қилишларидан кўп асрлар олдин ўзбек халқининг қадимий аждодлари ўз доиралари учун алоҳида нотани йўлаб топган. Қизғи шукки, олий маълумотли композиторлар бадаш кўйларини евро- ропача нотага туширишга уриниб қўрганлар. Аммо натижаси бўлмаган. Бу эса бадаш ноталари ўзига хос тузилишига эга эканилигини далиллат беради. Утган асрнинг элгилгини йилларида Сурхон- дарёнинг тоғли ҳудудларида яшовчи аҳоли қатори хатакилар ҳам Сурхон-Шеробод даштларида таш- қил қилинган туманларга кўчирилди. Тоқибатда ба- даши аёллар турли манзилларга тарқалиб кетди. Бугун уларнинг кўпчилиги орамизда йўқ. Европача маданиятнинг турмушимизга кириб келиши билан қадимий муסיқа йўналиши йўқолиш арасидага ке- либ қолди. Ҳозирда Шеробод тумани халқ таълими бўлими тасаруфидига "Баркамол авлод" маркази қошида тўғрақда бадаш санъати бўйича машу- лотлар олиб борилляти. Уни сақлаб қолиш ва ривожлантириш бугунги куннинг мўҳим вазифаси.

Ўсмонали НОРМАТОВ ёзиб олди.

БОҚИЙ МЕРОС

Ўзбек миллий муסיқаси бой тарихка эга. Асрлар давомида миллий муסיқамизда мақом, бадаш, лазги, бахшичилик шаклланган. Термиз Давлат университети тарих факультети ўқитувчиси ва илмий изланувчиси Икром Умаров анча вақтдан бери Шеробод туманидаги Кўхитанг тоғи атрофларидаги қишлоқларда яшовчи халқларнинг номоддий маданияти, этник ва локал хусусиятлари ҳамда урф- одатлари бўйича илмий изланишлар олиб боряпти.

Бадаш хусусидаги топиломалар ҳам ана шу из- ланишлар меваси. Биз ёш ва изланувчи тарихчи Икром УМАРОВдан бадаш санъати хусусидаги фикрларини ёзиб олдик. — Бадаш — оҳанг, куй, нола, нағма (наъма)нинг биргаликда доирада ифодаланishi. Йигит-қизлар- нинг овоз чиқариб қўшиқ қўйишга оҳанг бўлса, тан- бур, чанг, рубоб, дутдордан таралган садо куйдир. Чанқовуз, сибиэга ва най — нола қилади. Думбрани- нинг куйи эса нағма. Нағмада куй ашуласи билан бирга айтилади. ХХ аср ўрталарида қадар бадашини фақат Шеро- бод тумани ҳудудидаги Кўхитанг тоғининг марказий қисмида яшаган хатаки эли ижро этган. Хатакилар — ўзбекнинг қадимий уруғларидан бири, минг йил- лар давомида моддий ва маънавий маданиятнинг ноёб дурдоналарини сақлаб қолган эл. Утмишда хатакилар ўтказадиган барча туй ва сайиллар ба- дашсиз ўтмаган. Даврада қиз-жувонлар ей шакли- да тизилишган, жўр бўлиб доира чалишган. 20-30 та доира бир маромда зарб билан урилгани учун салобатли, шу билан бирга, жозибали ва жарандор садолар таралган. Туйга келган ҳар икки-уч нафар аёлнинг бирови, албатта, доирасини ҳам олиб ке- лган. Доира бадашлари садосида одамлар рақсга тушган. Туйлар шу тарзда чиройли ва завқли ўтган.

БАДАШ КҲЙНИ ЭШИТГАНМИСIZ?

Бадаш ижро этилганда одамлар унинг таъсири- дан завқланган. Негаки, бадашда меҳр-муруват, меҳнатсеварлик, тўғрчилик, росттўйлик, ҳалоллик, поклик, тантилик, қисқаси барча инсоний фазилат- лар ўз аксини топган. Хатақ қишлоғига келиб қолган меҳмонлар уларнинг ижросидан ҳайратланиб: "ха- такиларнинг заб санъати бор экан-да", дейишаркан. Умуман олганда, Кўхитанг тоғида хатаки уруғи авлодлари наздида бадаш — турмушининг барча соҳаларини қамраб олган муסיқий маданиятидир. Европада қўшиқчилик ва турли чолғу асбоблари бил- лан боғлиқ санъат умумлаштириб музика деб юрил- тилса, хатакиларда у бадаш деб аталади. Бошқа муסיқий йўналишлардан фарқли равишда бадаш аҳолининг ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, одамларга мавсумига қараб меҳнат қилишни ўргат- ган, келгусида қиладиган ишини эслатиб турган, мо- жароларни тинч ҳал этиш йўлини кўрсатган.

Бадашнинг бошқа доира усулларидан фарқи шукки, у нота асосида, муайян ритм ва оҳанг чиқари- б қалинади. Европа муסיқасида до, ре, ми, фа, со, ля, си ноталари бўлса, бадашда "биждонба, биждонбик" каби ноталар бор. Доирага бошқа му- сиқа асбоблари ҳам жўр бўлиши мумкин. Бадашнинг асосий чолғу асбоби доира(дап)дир. Уни усталар қуй терисидан тайёрлаган. Сабаби, фақат қуй терисидан ясалган доирадан муайян но- тага туширилган жаранлаган овоз, яъни "биждон- ба, биждонбик" садолари чиқади. Айниқса доира- лар теграсидаги нуқра ва мисдан ясалган саноксиз халқчалар кафтлар зарбидан тиниқ жаранлаб доира бадашларига янада жозоба бағишляди. Бадаш оҳанглирининг 50 тага тури доира билан туйларда ижро этилган. Бадаш оҳанглири тоғларга аса садо бериб турган. Қизғи шукки, ҳар бир оғилда нечта аёл бўлса, шунча доира сақланган. Кўхитанг хатакилари доира чалишни билмаган аёлни давра- ларига қўшмаганлар. Доира чалишни билмайдими, демак, у аёл курс, жоқил, маданиятсиз деб тушу- нишган. Шу сабаб қизларга мазкур чолғу асбобини чапиш ўргатилган. Ҳар бир аёл доирада етмишдан



ортиқ бадашни чалиб, шунга хос рақслар ижро эт- ган. Эраклар эса дўлбара ёки рубоб чалишни билиши шарт бўлган. Рақсларга асосан аёллар му- айян қоида бўйича тушишган ва ёғоч қошиқлардан кен фойдаланилган. Ҳар бир бадаш олдиндан бир киши бошловчилик қилиб, мазкур бадаш турининг пайдо бўлиши ҳамда қондасини айтиб берган. Сўнг бадашнинг қўшиғи айтилган, доира ва бошқа чолғу асбоблари чалинган, ёшлар рақсга тушган. Туйларда бадаш айтадиган аёллар бошларига қасаба, унинг устидан оқ рўмон, эндида қизил са- тиндан парлар қўйлақ, оёғига нўғай қовуш қийиш- ган. Қуллоқларига беш поялик исирга, қуллоқлари атрофида сончдан гажак қўйишган. Бўйинларига хапавад мунчоқ, энгиларидаги қўйлақларига ту- нуқадан ясалган жаҳақ (туғма) таққанлар. Мутхас- сислар томонидан катта бадаш, араз бадаш, яраш бадаш, куёв келди бадаш, келин узатиш бадаши, йўл бадаш, қуй ҳайдаш бадаши, бугдай ўриш ба- даши, пилла териш бадаши, уйин бадаш, қўшнлар учрашуви бадаши, ов бадаши, чўпон бадаш, чанқо- вуз ноласи бадаши каби турлари ёзиб олинган. Ҳозирда бадаш ижро этиш деярли тўхтаб қолган ҳисоб. Унинг кўпгина турлари унутилди. Қизикувчи-

лар бадаш турлари, унинг ноталари ва қўшиқлари- ни Ангор тумани марказида яшовчи Адолат момо Кўнғиротовдан ёзиб олишган. Узоқ вақт Ангор ту- мани маданият уйи мудири вазифасида ишлаган, бир неча халқ ансамбллариини ташкил этган, фи- доий фахрия Адолат момо қадимги доира усули — бадашини сақлаб, уни республика миқёсига олиб чиққан санъаткордир. Бадашнинг пайдо бўлиш тарихи ўрганилмаган. Тадқиқотлар бадашини қадимги турklar даврига бориб тақалишини кўрсатди. Негаки, бадаш ата- маси қадимий туркийча "бадар" сўзидан олинган. Қадимги турк тилидаги бадар, "енгил шовкин", "ур- моқ", "бадар қил", "мушт билан урмоқ" каби маъно- ларни аналтатди. Бадаш билан боғлиқ айрим нота ва атамалар бевосита сўфийлик билан боғлиқ. Бадашнинг асо- сий компоненти бўлган нағма арабча наъма — куй, оҳанг сўзидан келиб чиққан бўлса, биждонбик нотаси хишт — беҳишт — "жаннат" сўзи билан алоқадордир. Юқоридаги далилларга суняндиган бўлсак, бадашнинг илк илдириги тахминан V-VII асрларда вужудга келганлиги, ноталари эса Тур- кистонда сўфийлик тараққий этган XI-XII асрларда шаклланганлиги ойдинлашади.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти) ДУК

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1198. 79778 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Манзиллари: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй